



PROBLEMS IN THE FORMATION AND IMPLEMENTATION OF SCIENTIFIC PROJECTS IN THE FIELD OF SOCIAL AND HUMANITARIAN SCIENCES

Dilafruz Mamasadikova

PhD student

Tashkent State Technical University

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Fundamental, applied, innovative, commercialization, research design, Ministry of Innovative Development.

Received: 29.01.25

Accepted: 31.01.25

Published: 02.02.25

Abstract: This article examines the problems in the formation and implementation of scientific projects in social and humanitarian directions. Deficiencies are investigated and relevant conclusions are drawn.

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР ЙЎНАЛИШИДАГИ ИЛМИЙ ЛОЙИХАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШДАГИ МУАММОЛАР

Дилафруз Мамасадиқова

таърих докторант

Тошкент давлат Техника Университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Фундаментал, амалий, инновацион, тижоратлаштириш, тадқиқот дизайни, Инновацион ривожланиш вазирлиги.

Аннотация: Ушбу мақолада ижтимоий-гуманитар йўналишлардаги илмий лойиҳаларни шакллантириш ва амалга оширишдаги муаммолар ўрганиб чиқилган. Камчиликлар ўрганиб чиқилган ва тегишли ҳулосалар берилган.

ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ И РЕАЛИЗАЦИИ НАУЧНЫХ ПРОЕКТОВ В ОБЛАСТИ СОЦИАЛЬНЫХ И ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Дилафруз Мамасадиқова

поддержка докторанта

Ташкентский государственный технический университет

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Фундаментальный, прикладной, коммерциализация, инновационный, научно-исследовательский дизайн, Министерство инновационного развития.

Аннотация: В статье рассматриваются проблемы формирования и реализации научных проектов в социальной и гуманитарной сферах. Были изучены недостатки и сделаны соответствующие выводы.

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти фан соҳасидаги эришилаётган ютуқларга бевосита боғлиқ. Шу боис ривожланишни мақсад қилган мамлакат, энг аввало, илм-фанга эътибор қаратади, олимларни қўллаб-қувватлайди ва уларга зарур шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади. Шу нуқтайи назардан қараганда сўнгги йилларда юртимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар бежиз эмаслиги ва улар самара бера бошлаганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги гоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион гоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак».

Инновацион ривожланиш агентлиги (собик вазирлик) томонидан янги механизм асосида илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантириш ва амалга оширишнинг самарали тизими йўлга қўйилди.

2022 йилга қадар илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида барча фан йўналишлари бўйича янги механизм асосида молиялаштирилган умумий қиймати **1 092,2 млрд. сўм** бўлган **696 та** лойиҳа (шу жумладан, *611,4 млрд. сўмлик 402 та амалий, 131,0 млрд. сўмлик 120 та инновацион, 237,6 млрд. сўмлик 76 та фундаментал ва 112,2 млрд. сўмлик 98 та халқаро лойиҳалар*) бажарилмоқда. Ушбу лойиҳалар 74 та тур доирасида 3 177 та тематик мавзу (тармоқ эҳтиёжлари) бўйича эълон қилинган танловлар натижаларига кўра бир мавзуга топширилган ҳар 3-4 та лойиҳадан **энг яхши лойиҳаларни танлаб олиш асосида** (кучли рақобат муҳитида очик ва шаффоф тарзда) молиялаштирилган.

Қуйидаги жадвалда илмий лойиҳаларни шакллантириш ва молиялаштиришнинг эски ва янги тартиби юзасидан қиёсий маълумот берилган.

	Эски тартиб бўйича	Янги тартиб бўйича
Лойиҳаларни шакллантириш	Олимлар ташаббуси билан (рақобатга асосланмаган)	Давлат буюртмаси асосида (рақобатга асосланган – иқтисодий тармоқларининг эҳтиёжларига мувофиқ)

Танлов ўтказиш даврийлиги	Фундаментал – ҳар 5 йилда; Амалий – ҳар 3 йилда; Инновацион – ҳар 2 йилда	Мунтазам (йил давомида)
Молиялаштириш ҳажми	Олимлар томонидан таклиф этилган	Давлат буюртмаси доирасида аниқ ҳисоб-китоблар асосида белгиланмоқда
Маблағларнинг сарфланиши	80% иш ҳақиға йўналтирилган (ўртача ҳар бир лойиҳага 150 млн сўм йўналтирилган)	60% иш ҳақиға, камида 40% – моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда (ўртача ҳар бир лойиҳага 850 млн сўм йўналтирилмоқда)
Яқуний натижа	Лойиҳалар асосан “такомиллаштириш”, “ривожлантириш”, “ўрганиш”, “ёндашув ишлаб чиқиш”, “баҳолаш” каби аниқ яқуний натижа (маҳсулот) олиш имконини бермайдиган функционал вазифалар доирасида бажарилган	Аниқ яқуний маҳсулот (технология) яратишга йўналтирилмоқда

Таҳлиллар охириги йилларда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида бажарилаётган лойиҳалар сони бошқа фан соҳаларига қараганда сезиларли даражада кам эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич фанлар кесимида қаралса:

ижтимоий фанлар йўналишида 4 та;

иқтисодиёт ва ҳуқуқ фанлари йўналишида 30 та;

тарих ва археология фанлари йўналишида 20 та;

филология, психология ва педагогика фанлари йўналишида **38 та**, ҳаммаси бўлиб **92 та** илмий лойиҳа амалга оширилаётганлиги маълум бўлади. Бу давлат дастурлари доирасида бажарилаётган умумий тадқиқотларнинг **13,2** фоизини ташкил этади.

Ҳозирги кунда республикамизда ижтимоий йўналишдаги 23 та илмий-тадқиқот муассасасида 2010 нафар мутахассис (шундан 8 та академик, 239 та фан доктори (DSc), ва 351 та фан номзоди (Phd) фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида ҳам мазкур йўналишда минглаб мутахассислар мавжуд. Шунга қарамай ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида тадқиқотлар улушининг камайиб кетишига қандай омиллар таъсир кўрсатмоқда? Бу йўналишдаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун нималар қилмоқ зарур? Мазкур саволлар бу борадаги муаммо ва камчиликларни қуйидаги йўналишларда таҳлил қилишни тақозо этади.

Ижтимоий соҳадаги мавжуд долзарб муаммолар ечимига қаратилган тематик мавзуларни шакллантиришга оид камчиликлар

Маълумки, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги лойиҳалар танловлар асосида саралаб олинмоқда. Танловлар доирасида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида долзарб муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган тематик мавзулар давлат буюртмаси сифатида эълон қилинади. Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида асосий буюртмачи – илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, ижтимоий институтлар томонидан тақдим этилаётган тематик мавзулар замонавий илм-фан олдига қўйилган талаблар даражасида эмаслиги, эскича қарашлар ва қолиплар асосида шакллантирилаётганлиги, натижалар аниқ маҳсулотга йўналтирилмаётганлиги сабабли бошқа фан йўналишларига нисбатан кам эълон қилинмоқда.

2018-2022 йилларда илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини шакллантириш учун мазкур фанлар йўналишида жами **645** та илмий лойиҳа мавзу (тематика)лари тақдим этилган. Келиб тушган таклифлар асосида илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида “Тарих ва археология фанлари”, “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” (ижтимоий-гуманитар йўналишдаги лойиҳалар натижаларини мобилъ илова ва электрон платформа шаклида яратишга қаратилган), “Филология ва ижтимоий фанлар”, “Иқтисодиёт фанлари”, “Педагогика ва психология” ҳамда “Ҳуқуқ фанлари” йўналишлари бўйича умумий қиймати **155,2** млрд сўмлик **160** та тематик мавзулар бўйича танловлар эълон қилинган. Бу жами эълон қилинган тематик мавзуларнинг **15,4** фоизини ташкил қилади.

Ижтимоий-гуманитар фан соҳалари бўйича тақдим этилган *“Диний радикализация коррекциясининг ижтимоий психологик методларини ишлаб чиқиш”*, *“Аёллар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш механизмини ишлаб чиқиш”*, *“Прокуратура органларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, рақамлаштириш жараёнларини (смарт сектор номли платформа яратиш орқали) такомиллаштириш”*, *“Амир Темур давлат сиёсатида адолат тамойиллари ва бошқарув технологияси”*, *“Жадидчилик ва маънавий ҳаёт”*, *“Жадидчилик ва маърифат”*, *“Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда Сурхондарё ёшларининг ташаббускорлиги”*, *“Мактабда ўқувчиларнинг иқтидорини аниқлаш ва уларни касбга йўналтириш механизмларини ишлаб чиқиш”* сингари тематик мавзуларда амалий лойиҳаларни бажариш ва унинг натижалари илм-фан учун нима беради?

Лойиҳа талабномасини шакллантиришда йўл қўйиладиган асосий камчиликлар

Лойиҳани кўриб чиқиш ва молиялаштириш жараёнида унинг талаб даражасида шакллантирилганлиги, мақсад ва вазифалар тўғри ва аниқ қўйилганлиги муҳим омил саналади. Ижтимоий-гуманитар йўналишда танловларга тақдим этилаётган лойиҳаларни шакллантиришда қатор умумий камчиликлар кўзга ташланади.

Лойиҳа талабномасининг 1-шаклидаги “1.2. *натижалар ва уларнинг илмий ва ижтимоий аҳамиятга эгаллиги, режалаштирилган натижаларнинг жаҳон миқёсидаги тадқиқот натижаларига мувофиқлиги, лойиҳада режалаштирилган натижаларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалиётга татбиқ этиши имкониятлари*)” бандидаги лойиҳа натижаларининг тижоратлаштириш истиқболлари қисмида “мазкур лойиҳа ижтимоий-гуманитар йўналишда бўлганлиги сабабли тижоратлаштириш мақсадлари кўзда тутилмайди” тарзидаги қайдлар кўп учрайди. Ваҳоланки, бугунги кунда ҳар қандай интеллектуал мулк натижаларини тижоратлаштириш, ундан иқтисодий фойда олиш имкониятлари мавжуд. Қолаверса, натижаларнинг тижоратлаштирилишидан нафақат давлат, балки олимларнинг ўзлари ҳам манфаатдор эканлиги бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

Аксарият лойиҳалар талабномасида тадқиқот доирасида илгари бажарилган/бажарилаётган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар натижалари таҳлили бўйича тақдим этиладиган маълумотлар етарли эмаслиги олимларнинг ўз тадқиқотлари йўналишида амалга оширилаётган илмий изланишлардан беҳабарлигини кўрсатади.

Лойиҳа талабномасининг 2 ва 2А-шакллари лойиҳа ижрочилари тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлайди. Бу маълумотлар тадқиқотни амалга оширадиган илмий жамоа салоҳиятини, лойиҳа истиқболи ва натижадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Амалиётда баъзи лойиҳаларда илмий жамоа таркибига қўйилган муаммонинг ечимини таъминлашга ҳисса қўшадиган соҳа мутахассисларни эмас, балки лойиҳа раҳбарига яқин бўлганларни, ижрочи ташкилот раҳбари ёхуд ўринбосарларини жалб этиш ҳолатлари учрайди. Бундан ташқари, талабгорларда ижрочилар фақат лойиҳа тадқиқот этилган ташкилотда фаолият кўрсатиши керак деган нотўғри тушунча ҳам мавжуд. Лойиҳага тадқиқот мавзуси, мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бошқа ташкилотлардан, ҳатто хориждан ҳам мутахассисларни жалб этиш мумкин.

2а-шакл жадвалидаги ижрочиларнинг “*лойиҳа доирасида амалга оширадиган ишлари (вазифалари)*” бандида аксарият ижрочиларга белгиланадиган вазифаларнинг айнан такрорланиши ҳам талабномани шакллантиришда энг кўп йўл қўйиладиган

камчиликлардан саналади. Лойиҳада ҳар бир ижрочининг вазифаси аниқ ва мақсадли белгиланиши, тадқиқотнинг муайян қисмини бажаришга йўналтирилиши шарт.

Илмий лойиҳаларни баҳолашда талабноманинг 4-шакли муҳим аҳамиятга эга. Ушбу шакл лойиҳа мазмун-моҳияти, уни амалга оширишнинг ҳар бир босқичи ҳақида батафсил маълумот беради.

Аксарият лойиҳаларда 4.2-шаклдаги *“Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари”* қисми жуда қисқа ва умумий тарзда шакллантирилади:

лойиҳа мақсади худди диссертация тадқиқотлари каби қўйилади;

вазифалар умумий ва ўта назарий тарзда белгиланади.

Кўпчилик олимлар ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишидаги лойиҳалар натижаси сифатида монография, дарслик, қўлланма, тавсия, ўқув-услубий мажмуа ёки кўрсатмаларни тушунадилар. Тўғри, булар ҳам маълум маънода натижа ҳисобланади, бироқ бугунги кунда фанга замонавий ёндашувларни татбиқ қилиш, қўлга киритилган ютуқларни амалда қўллаш мумкин бўлган маҳсулотга айлантириш муҳим саналади. Бу каби жиҳатлар олимлар эътиборидан четда қолаётганлиги лойиҳаларнинг рад этилишига сабаб бўлмоқда.

4.3-банддаги *тадқиқот муаммосининг ўрганилганлик даражаси, жаҳон илм-фанидаги илмий-тадқиқот йўналишлари бўйича эришилган ютуқлар ва рақобатчилар таҳлили* илмий жамоанинг лойиҳа мазмунига чуқур киришига, қўйиладиган мақсад ва вазифаларни аниқлаштириб олишига хизмат қилади. Мазкур бандни шакллантиришда йўл қўйиладиган асосий камчиликлардан бири талабгорларнинг қўйилган муаммо ва шу каби масалалар жаҳон илм-фанида қай даражада ўрганилганлигини чуқур ва атрофлича таҳлил қилинмаслигидир. Айрим талабгорлар эса қўйилган муаммо янги эканлиги, ҳали ўрганилмаганлигини қисқа сатрларда таъкидлаш орқали лойиҳанинг илмий янгилигини кўрсатишга уринадилар.

“4.5. Муаммонинг илмий ечимини таъминлаш бўйича таклиф этилаётган усул ва илмий ёндашувлар” бандида таклиф этилаётган усул, методология ва ёндашувлар мантикий кетма-кетликда баён этилиши, лойиҳанинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда схемалар билан асосланиши, тадқиқотни тажриба (агар режалаштирилган бўлса) ўтказиш дизайни, тажриба гуруҳлари тўғрисида маълумот келтирилиши, яъни “назорат” ва тажриба гуруҳлари асослаб берилиши ва статистик қайта ишлаш усуллари ёритилиши, тадқиқот ўтказиш учун усул ва материаллар олиб бориладиган тажриба намуналари билан боғлиқлиги ҳисоб-китоблар билан кўрсатилиши лозим.

Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишидаги лойиҳаларда илмий компонентларнинг етарли эмаслиги, тадқиқот дизайни берилмаганлиги ҳам уларнинг рад этилишига сабаб бўлмоқда.

Хар бир фан илмий-тадқиқот методологиясига, ўзига хос усул ва методларга эга. Кейинги йилларда ижтимоий-гуманитар соҳалардаги тадқиқотларда бир хиллик кузатилаётганлиги, жаҳон илм-фанида эришилаётган ютуқлар, илғор тенденциялар, янги ёндашувлардан фойдаланиш даражаси пастлиги бот-бот қайд этилмоқда ва бу ҳолат илмий лойиҳаларда ҳам кузатилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар тадқиқотларда энг муҳим илмий компонентлардан бири бўлган ижтимоий сўровномаларни ўтказиш, унинг натижаларини таҳлил қилиш ва шу асосда хулосалар чиқариш муҳим. Айрим лойиҳаларда бу каби вазифалар қўйилаётган бўлса-да, улар шунчаки бир жумлада қайд этилиб кетилмоқда. Сўровномалар қайси ижтимоий қатламда, кимлар ўртасида, қаерда, қачон ва қай тарзда ўтказилиши, натижалар қайси методлар ёрдамида таҳлил қилиниши хусусида маълумот берилмаяпти.

Қиёсий-таҳлилий методдан ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқотларнинг аксариятида, жумладан, илмий лойиҳаларда самарали фойдаланиш имконияти мавжуд. Бироқ нимани нимага қиёсланиши, яъни таққосда ўрганилиши аниқ кўрсатилмаётганлиги, таққосланадиган объектларнинг мавҳумлиги лойиҳанинг илмий қимматини пасайтирмоқда. Масалан, педагогика фанлари йўналишида умумий ўрта таълим мактаблари, олий таълим муассасалари учун ўқув дастурлари ва дарсликлар учун янги авлод қўлланмаларини, ўқув ва услубий қўлланмаларни яратиш, уларни таҳлил қилиш, такомиллаштиришга йўналтирилган бир нечта лойиҳалар тақдим этилган. Уларда амалдаги дарсликлар ва қўлланмалар таҳлили берилган бўлса-да, таклиф этилаётган янги маҳсулот қайси аналогларига қиёсланиши, унинг устун жиҳатлари ва афзалликлари қандай асослаб берилиши аниқ кўрсатилмаяпти. Шунингдек, лойиҳаларда янги маҳсулот тажриба-синовдан ўтказилиши қайд этилса-да, у қандай методлардан фойдаланган ҳолда ўтказилиши, қайси мактабларда ва қачон ўтказилиши, қанча ўқувчи қамраб олинishi, натижалар қандай таҳлил қилиниши хусусида маълумот берилмаяпти. Бундай ҳолда лойиҳа молиялаштирилган тақдирда ҳам натижадорлик кутилганидек бўлмайди, ўз навбатида, ижрочиларда аниқ режанинг мавжуд эмаслиги тадқиқот сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Хорижий мамлакатларда ижтимоий соҳаларда ўтказиладиган тадқиқотлар қиммат ҳисобланади ва уларга катта маблағ ажратилади. Боиси бундай тадқиқотлар инсонлар иштирокида амалга оширилади. Ижтимоий тадқиқотларни ўтказиш учун ҳар бир иштирокчининг розилиги олинishi, зарурат бўлса, у моддий рағбатлантирилиши зарур. Вояга етмаганлар билан ўтказиладиган тадқиқотларда эса боланинг ота-онаси ёки васийнинг розилиги олинishi шарт.

4.9-бандда лойиҳани амалга оширишнинг ҳар бир босқичида (йилида) қўлга киритилиши режалаштирилган янги илмий ишланма (маҳсулот, технология) – тадқиқот

натижаларининг хронологик тавсифи келтирилиши зарур. Мазкур бандни шакллантиришда йўл қўйиладиган асосий камчиликлардан бири лойиҳа бажарилишининг дастлабки босқичида ижрочиларга вазифаларни белгилаш, мавжуд илмий-назарий манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳар бир босқич якунида эса ҳисоботларни шакллантириш учун муайян муддатлар белгиланишидир. Аслида ҳар бир ижрочининг вазифасини белгилаш, режалаштириш ва манбаларни ўрганиб, таҳлил қилиш лойиҳа шакллантирилишидан аввал бажариладиган ишлар ҳисобланади. Мазкур бандда амалга ошириладиган тадқиқот вазифалари кетма-кетликда изчил баён этилиши лозим.

Илмий-тадқиқот жараёнида янги ғоялар дунёга келиши, кутилмаган натижалар қўлга киритилиши, календар режага ижрочиларга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан айрим ўзгаришларни киритишга зарурат пайдо бўлиши мумкин. Бу илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш бўйича тузиладиган шартномада ҳам кўзда тутилган бўлиб, ижрочилар томонидан лойиҳа календар режасига ёки харажатлар сметасига ижрочи ташкилот Илмий кенгаши хулосаси билан ўзгартириш киритилиши ва бу ҳақда буюртмачини огоҳлантириш зарур.

Харажатлар сметасини шакллантиришдаги камчиликлар

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган “Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисида низом”нинг 90-бандига мувофиқ *“Лойиҳа доирасида ажратилган маблағлар илмий изланишлар олиб боришга, шунингдек, иш ҳақидан ташқари, умумий маблағнинг камида 40 фоизи илмий асбоб-ускуналар, хом ашёлар ҳамда бошқа зарур материалларни харид қилиш ва моддий-техника базасини ривожлантириш билан боғлиқ бошқа харажатларга йўналтирилиши лозим, бунда фундаментал, шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги лойиҳаларда мазкур миқдор 20 фоизгача камайтирилиши мумкин”*. Бунда ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги тадқиқотларда интеллектуал салоҳият муҳим эканлиги инобатга олинган. Мазкур йўналишдаги лойиҳаларнинг харажатлар сметасида такрорланадиган камчиликлардан бири олимларнинг тадқиқот учун зарур моддий-техник база деганда компьютер техникалари, аудио-видео аппаратуралар ва канцелярия товарларини тушунишларидир. Баъзи лойиҳаларда сотиб олинishi кўзда тутилган асбоб-ускуналар йиллар кесимида бир хил такрорланиши ҳам талабгорларнинг харажатлар сметасини тадқиқот мақсадларига хизмат қилдира олмаётганлигини кўрсатади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида мазкур йўналишдаги тадқиқотлар сунъий интеллектга асосланган замонавий дастурлар ва технологиялар орқали амалга оширилаётганлиги инобатга олинса, бу борада ўзбек фани оқсаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Бундан ташқари, айрим лойиҳалар доирасида ижтимоий сўровномалар ва тажриба-синов ишларини ўтказиш қайд этилган бўлса-да, харажатлар сметасида бунинг учун зарур маблағ ва ижтимоий пакетлар кўзда тутилмапти.

Қайд этилган камчиликлар ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги тадқиқотларни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича олимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришни тақозо этади.

Танловга тақдим этилган лойиҳалар дастлабки техник, илмий-техник ва молиявий-иқтисодий экспертиза босқичларидан ҳамда Илмий-техник кенгаш муҳокамасидан ўтказилиб, молиялаштиришга тавсия этилганидан сўнг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Илм-фан ва инновациялар кенгаши томонидан тасдиқланади.

Фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш борасидаги муаммолар

Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида фундаментал тадқиқотларнинг амалга ошириш борасида ҳам қатор муаммолар мавжуд. Айқин пайтда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида жами **76 та** фундаментал лойиҳа бажарилаётган бўлса, шундан фақат **5 таси**, яъни **3,8 фоизи** таҳлил қилинаётган йўналишга мансуб.

Фундаментал тадқиқотлар танловига тақдим этиладиган лойиҳа раҳбари томонидан охириги уч йил мобайнида лойиҳа мавзуси йўналишида Web of Science ҳамда Scopus халқаро базаларига киритилган журналларда камида 1 та илмий мақола чоп этилган ва унинг ХИРШ индекси 1 ва ундан юқори бўлиши талаби ҳам ушбу йўналишдаги лойиҳалар сонининг кескин тушиб кетишига сабаб бўлди. Бу, бир томондан, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида мамлакатимиз олимларининг ишлари жаҳон илм-фани даражасида эътироф этилмаётганлигини, соҳадаги камчиликларни кўрсатса, иккинчи томондан, бу йўналишдаги тадқиқотларни ривожлантириш учун самарали механизмларни кечиктирмай жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридаги қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан мунтазам равишда вебинарлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Вазирлик раҳбарияти томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар ва ташрифлар давомида ҳам олимларга илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш механизмлари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Вазирлик ходимлари томонидан ишлаб чиқилган **“Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси: танлов мавзулари ва илмий лойиҳалар қандай шакллантирилади?”** деб номланган қўлланмадан олимлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари мумкин.

Грант асосида молиялаштириш тизимининг тўлиқ рақамлаштирилиши, яъни танловларга лойиҳаларни электрон тартибда қабул қилувчи www.grant.mininnovation.uz

электрон платформасининг ишга туширилиши лойиҳаларни танлаб олиш жараёнида инсон омили ва аралашувининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Мазкур платформа фойдаланувчилар учун қулайлиги, ҳар бир лойиҳа қайси жараёнда эканлиги ҳақида ижрочиларга аниқ маълумот бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Вазирлик Ҳайъати йиғилишларининг очиқ ва шаффоф тарзда ижтимоий тармоқлар орқали тўғридан-тўғри ташкил этилаётганлиги, муҳокамалар жараёнида билдирилаётган фикр-мулоҳазалар олимлар учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқотларни сон ва сифат жиҳатидан оширишга давлат буюртмасидан лойиҳа талабномасини шакллантиришгача бўлган жараёнга янгича талаблар асосида ёндашиш, тадқиқот мақсад ва вазифаларини, амалга ошириш босқичлари, усул ва методларини аниқ белгилаш, салоҳиятли илмий жамоа ҳамда ҳар бир ижрочининг аниқ режа асосида мақсадли ишлашини ташкил қилиш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б. 23.